

## СЕНАТОР БИЛАН УЧРАШУВ

Туманимизда мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” тарғибот тадбирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзоси Манзурахон Салимова, Фарғона вилояти ҳокими маслаҳатчиси Тўлқиной Тожиева, Жамоатчилик кенгаш аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ўринbosарлари, фаол хотин-қизлар, нуронийлар ва ёшлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирни туман ҳоким ўринbosари, маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлим бошлиғи З.Тешабоева очиб, сўзни сенатор Манзурахон Салимовага берди. Сенатор Манзурахон Салимова бугунги кунда Президентимиз томонидан аёлларга бўлган эътибор, эъзоз ва барча имтиёз имкониятларни яратиб бераётганлиги биз хотин-қизларнинг юракларига қувват бағишилаши, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, одамлар ҳаётидаги туб ўзгаришлар хусусида сўз юритди. Айниқса, Фарғона вилояти аёлларига бўлган ҳурмат ва эҳтиромларини тўлқинланиб гапирди.

Ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан, юртимизда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, ободонлаштириш ишлари, ўтказилаётган спорт мусобақалари фикримизнинг яққол намунасиdir, – дейди Олий Мажлиси сенати аъзоси Манзурахон Салимова. – Ушбу тарғибот тадбирларини ўтказишдан асосий мақсад, ҳалқимизда шукроналик ҳиссини шакллантириш, Янги Ўзбекистонда янгича дунё қарашни уйғотишдан иборат. Ҳозирги кунда ҳалқимизнинг кўтаринки кайфияти, келажакка бўлган ишончи, давлатимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсатидан рози эканлигидан далолатдир.

Тадбир давомида бир гурӯҳ фаол хотин-қизларнинг самарали меҳнатлари эътироф этилиб, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-08-13 10:02:22